



Vebsayt: <https://involta.uz/>

## СУВ ВА ОЛОВГА МАРОСИМИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШЕЪРИЯТДАГИ ТАЛҚИНИ

Шохиста Шодиевна Низомова

*Бухоро Давлат Университети*

*Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** ушбу мақолада сув ва оловга маросимий муносабатнинг замонавий шеъриятдаги талқини хусусида фикр юритилган.

**Таянч сузлар:** шеърият, маросим, оилавий-маиший маросим, удум, анъана тасвир, табиат ҳодисалари

**Аннотация:** В данной статье рассматривается интерпретация обрядового отношения к воде и огню в современной поэзии.

**Ключивые слова:** поэзия, обряды, семейные обряды, обычаи, традиции, явления природы

**Annation:** This article discusses the interpretation of the ceremonial approach to water and fire in modern poetry.

**Keywords:** poetry, rituals, family rituals, customs, traditions, natural phenomena

Жаҳондаги барча халқлар каби ўзбекларнинг миллий қадриятлари ва маънавий анъаналари тизимида сув ва олов билан боғлиқ турли эътиқодий қарашлар асосида шаклланган маросиму урф-одатлар алоҳида ўринга эга. Қадимги инсонлар сув ва оловни инсон руҳини покловчи, унга мангу ҳаёт бағишловчи магик восита деб қараб, турли маросимлар билан боғлиқ удумларни адо этиб келишган. Қизиғи шундаки, бундай удумларнинг айримлари ҳалигача сақланиб келаётир.

Олис ўтмишда аждодларимизнинг сув ва олов билан боғлиқ тасаввур-тушунчалари уларга нисбатан ҳозирги муносабатларнинг шаклланишида ўзига хос асос вазифасини ўтаган. Ўзбек оилаларида сув ва оловга эътиқод қадимдан шаклланган бўлиб, қатор анъаналарда ҳамон давом этиб келаётир. Масалан, республикамизнинг кўп жойларида, айтайлик, жанубий хоразмликлар ва бухороликлар янги туғилган чақалоқни бойлик, саломатлик рамзи сифатида ичига тупроқ, туз, танга, тилла ёки кумуш узук солинган сувга чўмилтиришади.<sup>1</sup> Бешиги эса олов билан «кўр-кўр» қилиниб, гўё инс-жинслардан покланади.<sup>2</sup> Келин-куёвларга «никоҳ суви» ичирилади. Улар ҳам олов атрофидан айлантирилиб, покланади.

Фольклоршунос А.Мусақулов айтганидек: «Жаҳоннинг деярли барча халқларида гўдаклар ва келинчакларни ритуал чўмилтириш, марҳумни ювиш одати борки, бу ҳам сув култи ва унинг магик кучига ишонч билан боғлиқ. Бу чўмилтириш ва ювишлар парциал магия қонуниятига кўра, сувдан ўтиш билан тенг бўлиб, гўдак, келинчак, марҳумнинг моҳияти ўзгарганлиги, бир дунёдан иккинчи оламга ўтаётганлигини англатади».<sup>3</sup>

Буларнинг барчаси халқнинг сув ва олов билан боғлиқ мифологик ҳамда магик қарашларини ўзида намоён этади. Шуларга асосланиб, Абдулла Орипов «Сув» шеърида ёзади:

---

<sup>1</sup> Жўраев М.Ўзбек мавсумий маросим фольклори.-Т.: «Фан», 2008.Б.162.

<sup>2</sup> Жўраев М.Ўзбек мавсумий маросим фольклори.-Т.: «Фан», 2008.Б.162.

<sup>3</sup> Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т.: « Фан», 2010. – Б.135.

Жуда ажойибдир инсон удуми,  
У сувни жуда ҳам, жуда ҳам суяр.

Кўринадики, сув ва оловга маросимий муносабатлар – алоҳида эътиборни тортадиган ҳодисалар. Чунки уларда халқимизнинг сув ва оловга алоқадор қадимги мифологик қарашлари асосида шаклланган ҳамда кишилар ўртасига сингиб кетган ажойиб урф-одатлари сақланиб қолган. Масалан, нопок деб қаралган қандайдир нарсани ювиш лозим бўлса, сув махсус жойга тўпланган, лекин шунда ҳам нопок нарса тўғридан-тўғри сув билан ювилмаган. Бунда нопок нарса аввал сигир сийдиги билан ювилиб, қуёшда ёки кумда қуритилган ва сўнгра якуний поклаш мақсадида сув билан ювилган.

Даволаш магиясига ишонч асосида шаклланган ритуалларда ҳам сув ва оловнинг алоҳида ўрни бор. Кўпинча «даволаш» мақсадида тайёрланган ибодат оятлари (Қуръондан оятлар) заъфарон билан қоғозга ёзилиб, сувга ботирилган ва ёзувлари сувда эригач, суви беморга ичирилган, қоғознинг ўзи эса тумор сифатида осиб юрилган.<sup>4</sup>

«Вендидод»да ёзилишича, Насани қувиб чиқариш маросимида ёвуз руҳни ҳайдашда асосий восита сув ҳисобланган. Маросимни ўтказувчи беморнинг бошидан оёғигача, бармоқ учларига қадар 33 нуқтасига сув қуйиб чиққан.

Сув ва олов инончига алоқадор маросимлар халқимиз ҳаётида катта ўрин тутди. Улардан аксарияти анъанавийлиги билан эътиборни тортади.

Ўтмишдаги турмуш амалиётида оқар сувлар, сув омборлари, ҳовуз ва қудуқлардаги тозалаш ишлари ҳам маросимий характер касб этган. Агар сувга ўликнинг танаси теккан ёки тасодифан ўлимтик тушган бўлса, уни тозалаш тадбири жуда қийин кечган. Масалан, қудуқдаги сув тўлалигича ташқарига чиқариб тўкилган ёки ундан бошқа фойдаланилмаган, кўмиб ташланган. Хуллас, сувни ҳалоллаш жараёни муҳим ҳисобланган. Оқар сувга (масалан,

---

<sup>4</sup> Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч: УрДУ ноширлик бўлими, 2018. – Б. 33-34.

дарё, сой, каналга) жасад тушса, уларнинг суви ҳаром ҳисобланмаган.<sup>5</sup>

«Авесто»да сув ва ернинг боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилган. Унда сув ва ер олдида гуноҳ қилганлар учун 200 қамчи уриб жазолаш қонидаси белгиланганлиги кузатилади. Кимки Ахурамаздага имон келтирса, ерни ҳайдаш, суғориш ва экиш олдидан унинг устидаги суяк, соч, қон ва нажасдан тозалаши зарур ҳисобланган. Акс ҳолда муқаддас, қудратли, яхшилик келтирувчи сув, аксинча, илоҳий офатлар сабабчисига айланиши айtilган.

Бундан кўринадики, сув азалдан қадимги аждодларимизнинг ҳосилдорлик инончларини ўзида намоён қилади.<sup>6</sup> Шу орқали сув оила, фарзанд тушунчалари билан ҳам боғланади. Маълумотларга кўра, Хоразмда аёллар дарё қирғоғига келиб, нариёққа ўтмай, шу жойнинг ўзида дарё сувига сув ва туз ташлаб, қурбонлик қилишади. Бу билан сув илоҳасидан ўз оилалари учун тинчлик, тўкинлик тилашган. Бефарзнд аёллар эса эрта баҳорда ариқларга сув келиши билан, оқаетган ариқлар устидан сакраб ўтиб, ўзларига фарзанд сўрашган. Сувга бирор-бир нарсани (пичоқми, узукми) қурбонлик сифатида ташлашган.<sup>7</sup>

Ҳубби Амударё суви остида макон тутган, сув ости дунёси соҳибига айланган, сув оқимини мўътадиллаштирувчи, экинларни обиҳаёт билан таъминловчи, кема ва кемачиларга ёрдам берувчи, табиий офатларда, қишлоқларни сув босганда сув ости оқими руҳлари аранглар билан курашувчи, уларнинг сув тошқини ташкил қилинишини бартараф этувчи афсонавий образлардан бири ҳисобланган. Амударё эса жуда инжиқ, тез-тез ўзанини ўзгартирувчи, гоҳ сув тошқини ҳосил қилса, гоҳ сув танқислигини келтириб чиқарувчи асов сув манбаи деб қаралган. Шу сабабли деҳқончилик билан машғул аҳоли ўртасида Амударёнинг даҳшатли офатлари билан боғлиқ турли

<sup>5</sup> Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч: УрДУ ноширлик бўлими, 2018. – Б. 137-138.

<sup>6</sup> Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч: УрДУ ноширлик бўлими, 2018. – Б. 189.

<sup>7</sup> Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч: УрДУ ноширлик бўлими, 2018. – Б. 236.

маросимлар туркуми юзага келган.

Сув офатларига қурбонлик қилиш бутун Ўрта Осиёда турли шаклларда амалга оширилган. Бунинг учун гоҳ одам, гоҳ жонивор (масалан, хўкиз, кўчқор) қурбонлик қилиниб, сув мўл, ҳосил бой ва юқори бўлиши ният қилинган.<sup>8</sup>

Сув маросимлари ва байрамлари дунёда кенг тарқалган анъаналардан биридир. Кўпгина мамлакатларда сувга бағишланган қатор ритуал тадбирлар мавжуд. Аммо бундай тадбирлар қаерда ўтказилмасин, уларнинг моҳияти ва мазмуни бир-бирига яқин. Фақат улар ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари ва фольклорига уйғун ҳолатда ташкил этилиши кузатилади. Сувга алоқадор маросимларни икки типга ажратиб ўрганиш мумкин:

1. Сувга алоқадор мавсумий маросимлар.
2. Сувга алоқадор оилавий-маиший маросимлар ва удумлар.

Сувга алоқадор мавсумий маросимлардан энг машҳури ва анъанавийси «Суст хотин» маросимидир. Қадимда одамлар қурғоқчилик юз берса, сув тангриси борлигига ишониб, унинг шаънига шу маросимни ташкил қилганлар. Суст хотин «Авесто»даги сув маъбудаси Тиштрия тимсолини ифода этиши айтилади.<sup>9</sup> Сув ҳосилдорлик тушунчалари билан боғлиқ ходиса бўлгани сабаб сув тангриси Тиштрия ҳам «болалаш, кўпайиш» тушунчаси билан боғлиқ аёл жинси билан боғлаб тассавур қилинган.<sup>10</sup>

Суст хотин баҳор мавсуми қурғоқчилик билан келса ўтказиладиган «Ёмғир чақириш» маросимидир. Жуда кўп халқларда мавжуд бўлган бу маросим мақсади ва мавзусининг ягоналиги, яъни сувни муқаддаслаштириш ва эъзозлаш, унга муҳтожлик туйиш ғоясига қаратилганлиги билан умумийлик

<sup>8</sup> Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч: УрДУ ноширлик бўлими, 2018. – Б. 298.

<sup>9</sup> Саримсоқов Б.; Жўраев М. <sup>9</sup> Жўраев М. Мавсумий маросим фольклори. -Т.: «Фан», 2008. - Б. 162.

<sup>10</sup> Жўраев М. Мавсумий маросим фольклори. -Т.: «Фан», 2008. -Б. 42-45.

11.Питерсен.

касб этади.<sup>11</sup> Маросим жараёнида одамлар Сушт хотинга илтижо қилиб, сув ва ёмғир тилашган, ёғин-сочин бўлишини, экилган экин-тикинга зарар етмаслигини сўрашган. Бунда Сушт хотин сув ёки ёмғир тангриси образини ўзида ифода этади. Умуман айтганда, ёмғир чақиритиш маросими ибтидоий инсонларнинг табиат культларига ишончини ўзида ифода этувчи азалий удумлардан биридир.

«Сушт хотин» маросими кўшиғида ёру осмон кўл, ёмғир жуда мўл бўлиши сўралган. Худди шу жараёнда куйланадиган маросим кўшиғи таркибидан ўрин олган мисралардан Усмон Азим куйидагича иқтибос келтирган:

Еру осмон кўл бўлди-ё,  
 Ёмғир мунча мўл бўлди.  
 Лойли селлар йўл бўлди-ё,  
 Оқиб ўлмоқ ўнг бўлди-ё,  
 Дока рўмол хўл бўлди.  
 Дока рўмол хўл бўлди-ё,  
 Қуритмоққа қуёш йўқ.  
 Жола бўлди, дўл бўлди-ё,  
 «Ишқдан кечсанг – ўл» бўлди-ё,  
 Чидамоққа бардош йўқ.<sup>12</sup>

Бу шеър халқ оҳанглари стилизацияси асосида яратилган бўлиб, унда «Дока рўмол хўл бўлди» мисраси – ошиқлар ўртасидаги яхши вазиятга ишора. Чунки халқда «Эр-хотиннинг уруши – дока рўмолнинг қуриши» деган мақол бор. Демак, «дока рўмолнинг қуриши эмас, хўл бўлиши яхшилик аломатидан нишондир. Шоир хўл бўлган дока рўмолни қуритмоққа қуёш йўқлигини айтиш билан севишганларнинг ҳақиқий севгисигина уларни мақсадга

---

<sup>12</sup> Усмон Азим. Фонус. Шеърлар тўплами. – Т.:«Sharq» 2010. – Б.148.

етказишидан огоҳ этмоқда. У демокчики, севгида бардош, унинг ситам ва куйгуларига чидашгина, висолга эриштиради.

Қадимда ёшлар бир-бирига севги дил изҳорларини, оила куриш таклифини, албатта, дарё ёки сой бўйида айтиши удуми амал қилган.<sup>13</sup> Халқнинг сув билан боғлиқ бундай бетакрор қадимий удумларидан хабардор бўлган айрим шоирлар ўз шеърларида уларга ишора қилиб ўтиши кузатилади. Жумладан, шундай ишоралардан бири А.Ориповнинг «Отелло» шеърисида учрайди:

Сайр этиб ҳовлиқма сойнинг кўшини.

Отелло шаънига салом айтаман.

Зиёрат қиламан мазорбошини.<sup>14</sup>

Адабиётда Отелло – рашкчи эр тимсоли. Чунки у ўта рашкчилиги сабаб суюкли ёридан айрилиб, ширин турмушига ўз кўли билан чек кўяди. Шу жиҳатдан у бошқа шундай эркакларни ҳушёрлантирувчи образдир. Аммо у ўзи ёлғон гапириб ўрганмагани, тўғрилиги ва ўта ишонувчанлиги боис муттаҳам Ягонинг ёлғонига ишонади. Шоир ўзбек театр санъатида мазкур образни маҳорат билан жонлантирган Аброр Ҳидоятлов хотирасига шеър бағишлар экан, уни «Отелло» деб атади. Бу билан шоир актёр номининг элга танилишига, аввало, шу роли сабаб бўлганлигини назарда тутди. Дарҳақиқат, Отелло роли Аброр Ҳидоятлов актёрлик фаолиятининг чўққиси эди. Демак, А.Орипов «Сайр этиб ҳовлиқма сойнинг кўшини» мисралари оҳангида нафақат ўз ҳисларини баён этишни, балки шеърхонни ёр, умр йўлдоши танлашда ҳушёр бўлишга ундашни ҳам кўзлаган дейиш мумкин.

Оловга бўлган ҳурмат ва эътибор одатларининг бошқа баъзи кўринишлари Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Фарғона водийси ўзбеклари турмуш тарзида ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Водий қипчоқларида хонадон ўчоғи ҳеч қачон ўчирилмас экан. Ахборотчилар маълумотларига

<sup>13</sup> Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т.: «Фан», 2010. – Б.

<sup>14</sup> Орипов А. Отелло . Мен нечун севаман Ўзбекистонни. Шеърлар ва драматик достон. – Т: 2006. «G`afur Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi» – Б.27-28.



кўра, хонадон ўчоғида оловни кеча-кундуз ўчирмаслик ота-боболардан қолган одат бўлиб, уларнинг тасаввурича, оловсиз ўчоқ мисоли эгасиз, кимсасиз уйдир. Ўчоғида доимо олов ёнган хонадондагина доимо барака бўлган. Ўчоқда ёнаётган оловни булғамаслик учун унга ифлос нарсаларни, ҳатто ифлос ўтинни ёқиш ҳам таъқиқланади. Агар ўтин ифлос бўлса, ёқилишидан олдин, одатда, куёшда қуритилган ёки сув билан ювилган.

Олов ёнган ўчоққа қалампир, нон, овқат қолдиқлари ташлаш, ҳар хил ахлат ёқиш ёки ўчоқдан чиққан кулни ахлатхоналарга ташлаш, ҳаром чиқиндиларни ўчоқ оловида куйдириш гуноҳ ҳисобланган. Кул билан ахлатни бир-бирига қўшиш қатъий тақиқланган. Агар ахлат билан кул бир жойга йиғилса, хонадонда тўй ва аза бир келиб қолади, деб қаралган.

Мотам маросимларида оловни булғамаслик учун уч кунгача хонадон ўчоғида олов ёқиб овқат тайёрланмаган. Бундан ташқари, никоҳ тўйи маросимларида келин-куёвларни инсу-жинслардан поклаш мақсадида олов атрофида айлантириш ва сафарга кетаётганда хонадон оловидан бошқаларга бермаслик каби одатлар ҳам қайсидир маънода зардуштийлик маросимлари билан боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, қадимги инсонлар оловни, сувни, тупроқни инсон руҳини ўзга оламга кўчириш воситалари деб санагани ҳамда дарё ва денгизларни, тоғ ва чўлларни, ўрмонларни руҳнинг макон топадиган манзиллари сифатида тасаввур қилгани учун сув маросимий моҳият касб этиб, унинг муҳим атрибутига айланиб қолган. Ҳозирги ўзбек шеърлятидаги сув ва олов билан боғлиқ образларни халқ кўшиқларидаги сув ва олов культига алоқадор анъанавий образларга хос бадий талқин хусусиятларини муқоясавий тарзда текшириш анъанавий лирик образларнинг ўзаро боғлиқлигини, уларнинг янгиланиш қонуниятларини, ҳар бирининг аҳамиятини белгилаб кўрсатишда ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:



1. Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. – Т.: Истиқлол, 2006. – Б.96.
2. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т., Фан, 2010. – 308 б.
3. Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ, 2007. – 352 б.
4. Раҳимжонов Н. Шоир ва давр. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 182 б.
5. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. – Т.: Фан, 2007. – 260 б.
6. Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. – Т.: Ўқитувчи, 2012. –328 б.
7. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 216 б.
8. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т., 2004. – 128 б.
9. Саттор М. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993. – 222 б.
10. Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. Darslik. T.: «Musiq», 2010. – 368 b.